

# Дилидаги тилакларини сўраб олиш учун берилган энг қулай ва энг улўғ фурсат | Ҳадис дарслари (340-дарс)



19:00 / 06.08.2025 1910

يَوْمَ كُنْتُمْ أَكْفَادًا قَدْ جَاءَ الْوَحْيَ لَكُمْ فِي إِقَامِ الصَّلَاةِ وَالْإِيتَاءِ زَكَاةٍ وَأَقَامِ الصَّلَاةَ وَالْإِيتَاءَ زَكَاةً وَسَارِعُوا إِلَىٰ الْحَقِّ وَقَرَّبُوا لِي وَالَّذِينَ لَا يَرْجُوا عَذَابَ اللَّهِ الْأَلِيمِ  
يَوْمَ كُنْتُمْ أَكْفَادًا قَدْ جَاءَ الْوَحْيَ لَكُمْ فِي إِقَامِ الصَّلَاةِ وَالْإِيتَاءِ زَكَاةٍ وَأَقَامِ الصَّلَاةَ وَالْإِيتَاءَ زَكَاةً وَسَارِعُوا إِلَىٰ الْحَقِّ وَقَرَّبُوا لِي وَالَّذِينَ لَا يَرْجُوا عَذَابَ اللَّهِ الْأَلِيمِ

Анас розияллоху анхўдан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз намозда бўлса, у ўз Роббиси ила муножот қилади. Бас, зинҳор олд тарафига ҳам, ўнг тарафига ҳам туфламасин. Лекин чап томонига, қадамнинг остига (бўлса, майли)», дедилар».**

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифнинг аввалида намознинг қандай улуғ ибодат эканлиги оддий ва равшан иборалар билан васф қилинмоқда.

**«Бирортангиз намозда бўлса, у ўз Роббиси ила муножот қилади».**

Ҳа, намоз ҳар бир банданинг Аллоҳ таоло билан ёлғиз қолиб, муножот қилиши, роз айтиши, сирли суҳбат қилишидир. Намоз Аллоҳ таоло томонидан бандага бутун дарду ҳасратларини тўкиб солиши, дилидаги тилакларини сўраб олиши учун берилган энг қулай ва энг улуғ фурсатдир.

Банда ўзига ўхшаган бошқа бир бандани ёлғиз топиб, қабулига кирмоқчи бўлса, ўзини ўнглаб, рўпара бўлишга қанча ҳаракат қилади. Ўша уни қабул қилган кишига нисбатан заррача беодоблик содир этмасликка уринади. Бас, шундай экан, Роббил оламийн ҳузурда бўлганида ўзини яратган Холиқи, унга ризқ берган Розиқи, унинг барча ишларининг тадбирини қилиб турувчи Мудаббири ва Тарбиячисига муножот айтаётганида, албатта, ўзини юксак одоб ила тутиши керак. Модомики, банда намозда Роббиси ила муножот қилар экан:

**«Бас, олд тарафига асло туфламасин, ўнг тарафига ҳам. Лекин чап томонига, қадамнинг остига (бўлса майли)».**

Намозхон рўпарасига қараб туфласа, Холиқига қараб туфлаган бўлади. Ўнг томонига туфласа, яхшилик ва пок нарсалар учун ажратилган тарафига туфлаган бўлади. Ноилож туфлаши керак бўлса, чап томонига, оёқ остига бўлса, майли. Чунки бу каби нарсаларга чап томон ажратилган.

Албатта, бу маъно ўша давр воқеълигидан келиб чиқиб айтилган. У пайтларда қуруқ ерда намоз ўқиларди. Масжидларга, ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларига ҳам жойнамоз тўшалмаган эди. Одамлар эндигина Исломга кирган, кўпгина одоб-ахлоқларни ҳам ўзлаштириб улгурмаган эдилар.

Албатта, чап оёқнинг остига туфлаш бугунги кунги масжидларимизга ва намоз ўқийдиган жойларимизга тўғри келмайди.

يَا لَيْلُ صُيِّبُ نَأْمَلَسْ وَهَيْلَ عُلَلِ لَيْلُ صُيِّبُ نَأْمَلَسْ وَهَيْلَ عُلَلِ لَيْلُ صُيِّبُ نَأْمَلَسْ وَهَيْلَ عُلَلِ لَيْلُ صُيِّبُ نَأْمَلَسْ وَهَيْلَ عُلَلِ  
عَسْمُ خُلَلِ أُمُّهَ أَوْرَ. أَرْضَتْ خُمُّ لُجْرَلِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлни белга тираб, намоз ўқишдан қайтардилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Қўлни белга тираб туриш мутакаббирлик аломатидир. Намоз эса банда ўзини энг хор тутиши лозим бўлган мақом. Ўз Роббиси ҳузурида гуноҳлари кечирилиши ва сўраганлари берилишини хоҳлаган банда албатта, тавозеъ ила, ўзини хокисор тутган ҳолда туриши лозим.

مُكْدَحًا مَأَقًا إِذَا مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ، نَعْنَعُ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ  
بِنَسْلِ الْبَاحِصِ أَوَّورٌ. هُوَ جَاوَتْ مَحْرُورًا نِإْفِ صَحَّحْ لِحَسَمِ الْفَالِّصِ لَلِإِلِ

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз намозда турса, тошларни сурмасин. Чунки раҳмат унга юзма-юз турган бўлади», дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ерда гап сажда қиладиган жойдаги майда тошлар ҳақида бормоқда. Агар у тошлар сажда қилишга ҳалақит бермаса, тегмаслик керак. Агар ҳалақит берса, бир марта ҳаракат билан текислаб олса жоиз. Майда тошлардан бошқа саждагоҳда бўлиши мумкин нарсаларнинг ҳукми ҳам шундай.

Намозхон саждагоҳидаги нарсаларни намозда туриб, тўғрилаш билан яхши иш қилган бўлмайди. Аввало бу ҳаракати билан намозининг хушуъсига путур етади. Қолаверса, ҳадиси шарифда айтилганидек:

**«Чунки раҳмат унга юзма-юз турган бўлади».**

Намозда туриб, саждагоҳидаги нарсани супуриб ташлаган одам, гўёки, намоз туфайли ўзига тушиб турган Аллоҳнинг раҳматини ҳам қўшиб супуриб ташлагандай бўлади. Шунинг учун намоз ўқишдан олдин жойни яхшилаб тайёрлаб олиш лозим.

لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ  
رَطَّنَفْ، مُكْدَحًا مَأَقًا إِذَا مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ  
مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ  
لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ  
رَدَّ يَبْأَنَعِ مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ  
مَلَ سَوَّهَ لَعْلَعُ لَلِصَّيِّبِ لَلِجَنَّةِ لَلِضَّرِّ رَدَّ يَبْأَنَعِ

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқидим. Бас, қачон салом берсак, қўлларимиз билан ассалому алайкум, ассалому алайкум, деб (ишора қилар) эдик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга назар солдилар-да:**

**«Сизларга нима бўлдики, қўлларингиз билан худди отнинг қимирлаб турган думига ўхшатиб ишора қиляпсизлар? Бирортангиз салом берса, шеригига бурилиб қарасин, қўли билан ишора қилмасин», дедилар».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда намозни аста-секин турли ортиқча гап-сўз ва ҳаракатлардан холи қилиб бориш жараёнидан бир кўриниш васф қилинмоқда. Бошқа ҳадислардан билганимиздек, намоз янги фарз бўлган пайтда одамлар унда баъзи гапларни гапираверишар, турли ҳаракатларни қилаверишар эди. Бу нарсалар аста-секин бартараф этилди.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу ривоят этишларича, намозда салом берилганда ўнг ва чап томонга қўл билан салом ишораси қилинар экан. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни ман этибдилар.

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифдан ўта зарур бўлмаса, намозда қўл билан бирор ишора қилиш макруҳ эканлиги ҳақидаги ҳукмни олганлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.